

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

2022 №10

2011 йилдан чиқа бошлаган

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI  
**AXBOROTNOMASI**



**В Е С Т Н И К**  
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

Тошкент

Аллаева М.Ж., Ачилов Д.Д., Абдурахманов Ф.Ф., Аскарлов О., Холматов Ж.А., Султанов С.А. ЭФФЕКТИВНОСТЬ И БЕЗОПАСНОСТЬ ФЛУОКСЕТИНА У ПАЦИЕНТОВ С УРОЛОГИЧЕСКИМИ ЗАБОЛЕВАНИЯМИ: СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ЛЕЧЕНИЯ	Allaeva M.J., Achilov D.D., Abdurakhmanov F.F., Askarov O., Kholmatov J.A., Sultanov S.A. EFFICACY AND SAFETY OF FLUOXETINE IN PATIENTS WITH UROLOGIC DISEASE: A COMPARATIVE TREATMENT ANALYSIS	99
Амонов Ш.Э., Ражабов А.Х., Файзуллаев Т.С. ПРЕДОТВРАЩЕНИЕ ОСЛОЖНЕНИЙ ХРОНИЧЕСКОГО РИНОСИНОСИТА У ДЕТЕЙ С ХРОНИЧЕСКИМ ГЕПАТИТОМ В	Amonov Sh.E., Razhabov A.Kh., Fayzullaev T.S. PREVENTION OF COMPLICATIONS OF CHRONIC RHINOSINUSITIS IN CHILDREN WITH CHRONIC HEPATITIS B	104
Бафоева З.О. COVID-19 НИНГ ҚОЛДИҚ АСОРАТЛАРИ УЧРАГАН БЕМОРАЛДАРДА, ИНДИВИДУАЛ РЕАБИЛИТАЦИЯ ДАСТУРИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ	Bafoeva Z.O. EVALUATION OF THE EFFECTIVENESS OF AN INDIVIDUAL REHABILITATION PROGRAM IN PATIENTS WITH RESIDUAL COMPLICATIONS OF COVID-19	108
Лочинов Ф.Н., Бахриев И.И., Пўлатов М.М., Ботиров Т.К., Норов А.Т. МИОКАРД ИНФАРКТИДАН ЎЛИМ ҲОЛАТЛАРИНИНГ СУД-ТИББИЙ ТАҲЛИЛИ	Lochinov F.N., Bakhriev I.I., Pulatov M.M., Botirov T.K., Norov A.T. FORENSIC ANALYSIS OF DEATH CASES FROM MYOCARDIAL INFARCTION	113
Бекназаров Ш.Й., Жуманиёзов Э.Х., Шодиев Г.Б., Бекназаров Ж.Ш., Хужаназаров Д.А. ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИ НАТИЖАСИДА ЎЛИМ ҲОЛАТЛАРИНИНГ СУД ТИББИЙ ТАҲЛИЛИ	Beknazarov Sh.Y., Jumaniyozov E.X., Shodiev G.B., Beknazarov J.Sh., Xujanazarov D.A. FORENSIC ANALYSIS OF MORTALITY FROM A ROAD ACCIDENT	117
Бобожонова.Ш.Д., Саидов.А.Б., Рустамова.Н.Х., Собиров.А.Б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БРУЦЕЛЛЁЗ ИНФЕКЦИЯСИНИ ҚОН ДОНОРЛАРИДА АНИҚЛАНИШИНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ	Bobojonova Sh.D., Saidov A.B., Rustamova N.Kh., Sobirov A.B. RETROSPECTIVE ANALYSIS OF THE DETECTION OF BRUCellosis INFECTION IN BLOOD DONORS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN	120
Visogortseva O.N., Boisov S.K. МИОФАСИАЛ ОГ'РИҚ СИНДРОМИ БОР БЕМОРАЛДАРДА МЕХАНИК ТАБИАТЛИ ФИЗИК ОМИЛЛАРНИ ҚО'ЛЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ	Visogortseva O.N., Boisov S.K. FEATURES OF THE APPLICATION OF PHYSICAL FACTORS OF MECHANICAL NATURE IN PATIENTS WITH MYOFASIAL PAIN SYNDROME	123
Yodgorova N.T., Fayzullayeva Z.R., Tursunova Sh.A. ПРОБИОТИКЛАРНИНГ ПЕДИАТРИЯДА ҚО'ЛЛАНИЛИШ ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ВАҲОЛАШ	Yodgorova N.T., Fayzullayeva Z.R., Tursunova Sh.A. APPLICATION OF PROBIOTICS IN PEDIATRICS AND EVALUATION OF THEIR EFFICIENCY	128
Каримов М.Ю., Иноятлова Ф.Х., Гулямов Ё.Б. ОСОБЕННОСТИ АКТИВНОСТИ NO-СИСТЕМЫ В СИНОВИАЛЬНОЙ ЖИДКОСТИ И ЕЁ ВЗАИМОСВЯЗЬ С КЛИНИЧЕСКИМИ СИМПТОМАМИ У БОЛЬНЫХ АРТРОЗАМИ И АРТРИТАМИ	Karimov M.Yu., Inoyatova F.Kh., Gulyamov Y.B. FEATURES OF THE ACTIVITY OF THE NO-SYSTEM IN THE SYNOVIAL FLUID AND ITS RELATIONSHIP WITH CLINICAL SYMPTOMS IN PATIENTS ARTHROSIS AND ARTHRITIS	133
Kudiyarov I.A. YIRINGLI-YALLIG'LANISH KASALLIKLARIDA ST.AUREUS NING ROLI	Kudiyarov I.A. THE ROLE OF ST.AUREUS IN PURULENT INFLAMMATORY DISEASES	138
Лочинов Ф.Н., Бахриев И.И., Пўлатов М.М., Ботиров Т.К., Норов А.Т. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТРАВМАТИЗМИНИНГ СУД-ТИББИЙ АҲАМИЯТИ	Lochinov F.N., Bakhriev I.I., Pulatov M.M., Botirov T.K., Norov A.T. FORENSIC MEDICAL MEANING OF INDUSTRIAL INJURIES	141
Mamatmusayeva F.Sh., Aliyev Sh.A., Mirvaliyeva N.R. SURUNKALI OSTEOMIELITLI BEМОРАЛДАРДА ANТIBIОTIKLAРNING DAVOLASHDAGI SAMARADORLIGI	Mamatmusaeva F.Sh., Aliev Sh.A., Mirvalieva N.R. EFFICACY OF ANTIBIOTICS IN THE TREATMENT OF PATIENTS WITH CHRONIC OSTEOMYELITIS	144

**ЎЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИ НАТИЖАСИДА ЎЛИМ ҲОЛАТЛАРИНИНГ СУД ТИББИЙ ТАҲЛИЛИ**

Бекназаров Ш.Й., Жуманиёзов Э.Х., Шодиев Г.Б., Бекназаров Ж.Ш., Хужаназаров Д.А.

**СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКИЙ АНАЛИЗ СМЕРТНОСТИ ОТ ДОРОЖНО-ТРАНСПОРТНОГО ПРОИСШЕСТВИЯ**

Бекназаров Ш.Й., Жуманиёзов Э.Х., Шодиев Г.Б., Бекназаров Ж.Ш., Хужаназаров Д.А.

**FORENSIC ANALYSIS OF MORTALITY FROM A ROAD ACCIDENT**

Beknazarov Sh.Y., Jumaniyozov E.X., Shodiev G.B., Beknazarov J.Sh., Xujanazarov D.A.

Тошкент тиббиёт академияси, РСТЭИАМ Тошкент вилоят филиали

**Цель.** Изучение результатов судебно-медицинский анализ смертности от дорожно-транспортного происшествия по фазам и классификация автомобильных аварий. **Материалы и методы.** Изучение заключения экспертизы трупов умерших в результате авто травмы (за период 2020г.) было проведено анализ причины смерти потерпевших, причинённый автомобилями заключение экспертизы, полученные филиала РНПЦСМЭ МЗ РУз Ташкентского области. **Результаты исследования.** При изучении заключение экспертизы было установлено, что повреждения который явившихся непосредственно причины смерти потерпевших является тяжкая телесно повреждения в момент причинения автомобилями. Основными причина смерти является ЗЧМТ и ОЧМТ, а также повреждения грудной клетки и живота с повреждениями органов таза. Повреждения причинены движущимся автомобилями зимой, осень и весна ночной времени. **Выводы.** На основании данных, полученных в результате анализа заключение экспертов при исследовании трупов причинённые повреждения автомобилями, указывает что, полученные травмы являются к тяжким телесным повреждением приведшие к смерти потерпевших.

**Ключевые слова:** авто травма, классификация, фазы, судебно-медицинская экспертиза.

**Abstract:** The study results of forensic analysis of mortality from a traffic accident by phases and classification of automobile. **Materials and methods.** Examination of the examination of the corpses of those who died as a result of a car injury (for the period of 2020), an analysis of the cause of death of the victims caused by cars was carried out. The examination report was received by the branch of the RNPTSME of the Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan of the Tashkent. **The results of the study.** When examining the expert opinion, it was found that the damage that was the direct cause of death of the victims is a serious bodily injury at the time of causing by cars. The main cause of death is TBI and TBI, as well as damage to the chest and abdomen with damage to the pelvic organs. The damage is caused by moving cars in winter, autumn and spring night time. **Conclusions.** Based on the data obtained as a result of the analysis, the conclusion of experts in the study of corpses caused by cars indicates that the injuries received are serious bodily injury that led to the death of the victims.

**Keywords:** auto injury, classification, phases, forensic medical examination.


**Мавзунинг долзарблиги.** Механик жароҳатлар ичида автомобилдан шикастланиш алоҳида ўрин эгаллайди ва охириги йилларда транспорт воситаларининг турли хил турларини ишлаб чиқарилиши ошиши борасида, шунингдек шахар ва қишлоқларда ҳар хил русумли автотранспортлардан фойдаланган ҳолатларда юқори тезликда юришлари ва бошқа сабаблар борасида автомобилдан етказилган травмалар кўпайиб, улардан оғир тан жароҳатлар етказилиши ва ҳаттоки ўлим билан яқунланиши оқибатида республикамиз миқёсида суд тиббий экспертизаси ўтказилиши ҳолатлари кундан - кунга ошиб бормоқда.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ушбу текширувлар натижасида автотранспортлар томонидан етказилган шикастланишларни суд тиббий таҳлили, уларни келиб чиқиш ҳолатларини баҳолаш, уларнинг мезони билан текширув материаллари ва усуллари ўрганиш билан, объект сифатида турли

русумли автомобиллардан жароҳотланган мурдаларнинг 2020 йилда ўтказилган суд тиббий экспертизаси материаллари олиниб, уларни ўлимига сабаб бўлган жароҳатларни келиб чиқиши механизми ва сабаблари таҳлилин кўриб чиқишдан иборат.


**Текширув натижалари:** Автомобилдан етказилган жароҳотларни суд тиббий экспертиза материалларини таҳлил қилинганда 61 (100%) ҳолатлари ўрганилди. Шулардан: 26 таси (42,6 %) БМЁЖ, 18 таси (29,5 %) БМОЖ, кўкрак - қорин жароҳатлари 14тани (22,9 %) ва қўшма жароҳат олганлар сони 3 тани (4,5 %) ташкил этди.

Автожароҳатлар 61 (100%) ҳолатларидаги жароҳотлар 59 таси (96,7 %) енгил машиналардан (нехиа, матиз, жигули, дамас, коболт, спарк, тико, ласетти) 2 таси (3,3 %) юк машиналари ва автобуслардан, етказилган.




**Расм 1.** Енгил машина ва автобуслардан

Жароҳатларни 61 та ҳолатлардан - 28 таси (45,9 %) автомобил пиёда ни уриб юборганидан, 1 таси (1,6 %) - автомобил босиб кетганлиги натижасида, енгил, юк машина салонларида 30 таси (49 %) ҳамда 2 та ҳолатда (3,2 %) ҳаракатдаги автомобиллар орасидаги сиқилиши натижасида етказилган.



**Расм 2.** Юк автомобилдан етказилган жароҳатлар.

Машина салоида жароҳатланганларнинг 30 та ҳолатидан 10 таси (33,3 %) ҳайдовчилар ва 20 таси (66,6 %) йўловчи шахслардир. Улардан алкоголь истемол қилганлари ҳайдовчилар ичида 4 таси (13,3 %), йўловчилардан 10 таси (33,3 %). Қолган 16 таси (53,3 %) шахслар алкоголь истемол қилмаганларни ташкил этади.



**Расм 4.** Автомобил жароҳат фазалари.



**Расм 3.** Мастлик ҳолатларидан етказилган жароҳатлар

Жабрланганларнинг 61 ҳолатлардан 49 таси (80 %) эркак, 12 (19 %) таси аёллардан иборат. Улардан 3 таси (4,9 %) вояга етмаганлар.

Жароҳатланганлар асосан 35 таси (57,3 %) кечги қиш пайтига тўғри келади 22 таси (36 %) куз ойига ва баҳор мавсумида эса 4 та ҳолат (6,5 %) қайд этилган.

Ушбу ҳолатларнинг барчаси ўлим билан тугаган, чунки етказилган жароҳатлар – тан жароҳатларни оғирлик даражасини аниқлаш мезонлари бўйича етказилган пайтида ҳаёт учун хавфли жароҳотлар турига кириши шуҳбасиз ўз ифодасини топди. Текширув давомида барча жабрланувчиларни мурдасининг суд тиббий экспертизасида автомобил травмаларига списфик, хос ва хос бўлмаган бўлган белгилари аниқланганди.

**Хулоса:** Ҳозирги техника тараққиёти ривожланишининг кескин ўсиши, турли русумли авто-

транспорт воситаларининг сони ва уларнинг мураккаб тузулишлари билан чиқарилаётганлиги, уларнинг кун сайин кўпайиб бориши, ҳайдовчилар ва йўловчиларнинг йўл қодаларига тўлиқ риоя қилмаётганликлари шунингдек спиртли ичимликлар истемол қилишлари ҳамда йилнинг қиш, куз ва баҳор фасилларининг кечки пайтларида автомобиллардан жароҳат етказилганлиги шуни кўрсатадики, бу борада зудлик билан давлатимизда бир қатор янги қонунлар ишлаб чиқиш кераклигини кўрсатади. Шулардан Тошкент шаҳрини марказий йўлларида транспорт воситаларининг тезлиги 50,60 км/с ва мактаб, богчаларда эса тезлик 30 км/с дан ошмаслигини Ўзбекистон республикаси президенти томонидан айтиб кўрсатмалар берилганлиги бунга яққол мисол бўла олади.

Шундагина Республикаимиз ҳудудларида автомобил транспортларидан етказилган жароҳотлар

туфайли жабрланувчилар камаяди ва ўлимга олиб келувчи жароҳатларни олдини олади ва Ўзбекистон республикасининг барча вилоят ва туманларида бу мурожаатномага Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 04.04.2022 йилдаги ПҚ-190-сон “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида, ги қарорга йўл хавфсизлиги барча ҳайдовчиларнинг ва пиёдаларнинг хавфсизлигида ширларига амал қилиш барча фуқороларнинг бурчидир деб ҳисоблаймиз.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 04.04.2022 йилдаги ПҚ-190-сон “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида,
2. Гиёсов З.А. Суд тиббиёти. Тошкент , Global Books нашриёти, 2018.
3. Колкутин В.В. Судебно-медицинская экспертиза при подозрении на членовредительство и симуляцию / В.В. Колкутин, Ю.И. Соседко. – М.: Юристинформ, 2004. – 159 с.
4. Индиаминов С.И. Суд тиббёти. Тошкент. 2012
5. Ромадоновский П.О., Баринев Е.Х. Судебная медицина в схемах и рисунках. Москва. 2017.
6. Колкутин, В.В. Экспертная оценка огнестрельных повреждений, причиненных выстрелами из оружия специального назначения / В.В. Колкутин, И.Ю. Макаров, И.А. Толмачев. – СПб.: ВМедА, 2009. – 287 с.

#### ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИ НАТИЖАСИДА ЎЛИМ ҲОЛАТЛАРИНИНГ СУД ТИББИЙ ТАҲЛИЛИ

Бекназаров Ш.Й., Жуманиёзов Э.Х., Шодиев Г.Б., Бекназаров Ж.Ш., Хужаназаров Д.А.

**Мақсад.** Йўл-транспорт ҳодисалари натижасида ўлим ҳолатларининг суд тиббий таҳлилини босқичлари ва таснифи бўйича ўрганиш.

**Материаллар ва усуллар.** Автомобил жароҳати натижасида вафот етганларнинг жасадларини экспертизадан ўтказиш (2020 йил давомида) автомобиллар томонидан келиб чиққан қурбонларнинг ўлими сабабларини таҳлил қилиш амалга оширилди. Экспертиза ҳисоботи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент вилояти РСТЭИАМ филиали томонидан қабул қилинди.

**Тадқиқот натижалари.** Эксперт хулосасини ўрганишда, қурбонларнинг ўлимнинг бевосита сабаби бўлган зарар автомобиллар томонидан етказилган пайтда жиддий тан жароҳати еканлиги аниқланди. Ўлимнинг асосий сабаби ТБИ ва ТБИ, шунингдек тос аъзоларининг шикастланиши билан кўкрак ва қориннинг шикастланиши. Зарар қишда, кузда ва баҳорда тунда ҳаракатланадиган машиналардан келиб чиққан. **Хулоса.** Таҳлил натижасида олинган маълумотларга асосланиб, автомобиллар томонидан келиб чиққан жасадларни ўрганишда эксперт хулосаси шунини кўрсатадики, олинган жароҳатлар жабрланганларнинг ўлимига олиб келган жиддий тан жароҳатидир.

**Калит сўзлар:** автожароҳат, таснифи, фазалари, суд тиббий экспертиза.